

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА ТУРИСТИК ДЕСТИНАЦИЯЛАР  
ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ҲАМДА УЛАРНИНГ  
ТУРИЗМДАГИ АҲАМИЯТИ**

**g.f.f.d (PhD) Usmanov Mashrab Rustamovich**

**Jizzax davlat pedagogika universiteti**

**Аннотация:** Мазкур мақолада Жиззах вилоятида жойлашган туристик дестинациялар шаклланиши, ривожланиши ва уларнинг туризмдаги ўрни ҳақидаги маълумотлар бериб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Жиззах вилояти, Буюк Ипак йўли, Эрамиздан аввалги давр, VII-XII асрлар даври, Амир Темури ва темурийлар салтанати даври, чор Россияси даври, советлар даври, мустақиллик даври.

**FORMATION AND DEVELOPMENT OF TOURISM DESTINATIONS IN JIZAK  
REGION AND THEIR IMPORTANCE IN TOURISM**

**Annotation:** This article provides information on the formation and development of tourist destinations in Jizzakh region and their role in tourism.

**Key words:** Jizzakh region, the Great Silk Road, the period before VII-XII centuries BC, the period of Amir Temur and the Temurid Empire, the period of Tsarist Russia, the period of the Soviets, the period of independence.

**Кириш.** Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO)нинг ҳисоботида туризмни барқарор ривожлантиришнинг 10 та дастури баён этилган бўлиб, унда туризмни ривожлантиришнинг инновацион хусусиятлари ва жиҳатларини очиб бериш вазифалари белгилаб берилган. Шу нуқтаи назардан дунё бўйича туристик дестинацияларга сайёҳлар оқимини янада ошириш, туристик салоҳиятни юксалтириш ва ривожлантириш бўйича тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Республикада туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратиш, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон туристик бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш, сайёҳлик объектларидан самарали фойдаланиш, кўрсатилаётган хизмат турлари сифатини ошириш, юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга

оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг 35-мақсадида “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш...” юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган [1].

**Асосий қисм.** Жиззах вилоятининг ҳар тамонлама гуллаб яшнаши ва ривожланишида Буюк Ипак йўлининг аҳамияти катта бўлиб, минтақада туризмнинг шаклланиши ва ривожланиши унинг тарихий тараққиётида бевосита тарихий, табиий жараёнлар ҳамда бир қанча омиллар билан боғлиқ бўлган. Минтақадаги тарихий обидалар, жумладан, Жиззах шаҳри ва унинг минтақаларидаги туристик объектлар узоқ тарихий босқичлар давомида шаклланди. Жиззах вилоятида туризмнинг шаклланиши, тарихий, маданий ва бошқа объектларининг ривожланишини эрамиздан аввалги давр, VII-XII асрлар даври, Амир Темур ва темурийлар салтанати даври, Чор Россияси даври, Советлар даври, Мустақиллик йиллари давларига бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юнон салномаларида Кириполь ва Газо шаҳарлари алоҳида тилга олинган. Археологлар Газо шаҳарнинг ўрнини аниқ ва асосли тайин этмасаларда, тарихий манбаларда уни Самарқанд ва Тошкент оралиғида жойлашганлигини айтилади. Олимлар Газони қадимги Жиззах деб тахмин қилишади [2. 5 б]. Топономист олим Қ.Ҳакимов Жиззах номини суғд тилидаги “Дизак” (диз-“қалъа”, ак-“ча”) сўзи билан боғлайди. Ўтмишда у Дизак номи билан юритилган бўлиб, Жиззах Ўрта Осиёдан ўтган бир неча карвон йўлининг туташган жойида пайдо бўлган. Ёзма манбаларда илк маротаба араб географ олимлари ва сайёҳчиларидан Ибн Ҳавкал ва Муқаддасийларнинг асарларида ёзилишича Устрошананинг Факнон

вилоятидаги шаҳари деб, тилга олинган. Мазкур шаҳар араблар истилосидан олдин ҳам мавжуд бўлганлиги бизга маълум [3. 14 б].

Устрошона алоҳида маъмурий вилоят сифатида таркиб топган даврдаёқ Нужаникас, Катвондиз, Хушуфаг, Дизак, Мирасманда, Хашт, Шовғар, Зомин, Себат каби шаҳар ва шаҳарчалар, Сийракас, Шибли, Минк, Усманд, Кахлобод, Бурнамоз, Бурнамад сингари кўпгина қишлоқлару қўрғонлар мавжуд бўлган [4. 116 б.]. Шу даврлардан бошлаб, Европа ва бошқа хорижий давлатларнинг бу минтақага қизиқиши ортган бўлиши тахмин қилинади.

**Эрамиздан аввалги давр.** Милоддан олдинги II асрдан эътиборан шарқ ва ғарб ўртасидаги савдо-алоқалари Устрошона орқали ўтганлиги воҳанинг ҳаётига ижобий таъсир этган бўлиб, афсуски, кушонлар, эфталитлар, Турк хоқонлиги даврига оид ёзма манбаларнинг етиб келмаганлигидан Устрошона тарихининг бир неча юз йилликлар қандай кечганлиги ҳозирча бизга маълум эмас. Қутайба бошлиқ араб кўшинларининг воҳани осонликча енга олмаганлиги, устрошоналик султонлар вилоят мустақиллиги йўлида қаъият билан курашганликлари (VIII аср) бизга тарих саҳифаларидан маълум.

Тарихий манбаларда эса Салавкийлар замонида, Юнон-Бақтрия, Қанғ, Кушон давлатлари даврида вилоят худудидаги ижтимоий иқтисодий ҳаётга тегишли маълумотлар жуда кам. Фақат милоддан аввалги III-II асрларда бошланган Буюк Ипак йўли савдо аълоқаси жадаллашгани тилга олинади. Бу халқаро савдо йўли тармоғи вилоят худудидан ўтгани, савдо карвонининг бир кунлик йўли манзилида карвонсаройлар барпо бўлгани, шаҳарларда савдо, хунармандчилик ривожлангани вилоят тарихига ҳам тегишлидир.

Илмий манбаларда ҳукмронлик эфталитлар қўлига ўтгач, худудга кўчманчи турк чорвадорларининг кўчиб келиши билан яйловларнинг катта қисми улар ихтиёрига ўтганлиги, дашт яйловларни ҳам кўчманчи турк чорвадорлари эгаллай бошлаганлигини тасдиқлайди. Эфталит чорвадорларининг ўртоқлашуви туфайли суғорма деҳқончилик учун яроқли

ерларни кенгайтириш Сангзор ва Зоминсув, Равотсой ҳудудларида юз беради. Ўша давр зодогон деҳқонлари барпо этган қўрғонлар пойдевори хом гишт ва пахсадан супа қилиниб, иморат деворлари ҳам қалин лойдан ишлаб чиқилгани манбаларда қайд этилган. Бундай иморат-қўрғонлар даврлар ўтиши ва турли босқинчилик ҳаракатлари туфайли тепага айланиб, ҳозирда қадимшунослар Жиззах, Зомин, Бахмал, Ғаллаорол, Фориш туманлари ҳудудларида уларнинг 200 тадан ортиқроғини рўйхатга олинганлиги [4. 84-88 б.] ҳам вилоятимизда ички туризмни ривожланиши учун асос бўлади.

**VII-XII асрлар даври.** Бизга маълумки, VII-XII асрларда воҳа ҳаёти бир мунча ривожланганлиги, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик тараққий этиб, Жиззах яқинидаги Мирасманда ҳар ойнинг биринчи куни катта жаҳон савдо бозори бўлган. Жаҳон бозорида Жиззахда тайёрланган жун матолар ва жун либослар, пилла, темир, ва метал буюмлар, Устрошона ферузаси катта мовқега эга бўлиб, минтақада тайёрланган метал буюмлар Хуросан, Боғдод ва Эронда кенг тарқалганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Арабларнинг Моварауннахрга бостириб келиши VII асрнинг иккинчи ярмидан бошланган бўлсада, Уструшонани босиб олиш учун юриши VIII асрга тўғри келади. Қутайба ибн Муслим 713 йил Уструшона, Тошкент, Фарғонага юриш бошлайди. Унинг Уструшонадаги биринчи катта жанги Жиззах яқинидаги Илонўтди сойида Турк хоқонлиги қўшини билан бўлди. Бу жангда ғалабани қўлга киритган Қутайба Минқдаги “қора кийимлилар” (дахлар) билан жанг қилади. Қутайба қўшини зарбига Бурнамад, Зомин, Шағар, Сабат сингари шаҳарлар ҳам дош бера олмади. Араблар босқинчилиги билан бирга ўзининг динини ҳам олиб келишади.

**Амир Темури ва темурийлар салтанати даври.** Жиззах воҳаси Амир Темури ва Темурийлар даврида ривожланган бўлиб, юртда тинчлик, фарованлик, элда арзончилик барқарор бўлади. Амир Темури даврида Жиззах воҳасида Мўғуллар даврида вайрон бўлган работу карвонсаройлар қайта тикланди. Хонимқўрғон, Бозорхоним, Қизилқўрғон қўрғонлари, хонақоҳ ва

масжидлар барпо қилинди. Пишоғардаги Қўшинтепа, Бахмалдаги Боғимозор, Ш.Рашидов туманидаги Олтиховуз манзиллари бизга Соҳибқиронни эслатиб туради. Бутун сойни эгаллаган ёнғоқ, қартийиб қолган терак ва қарағайлар Амир Темурдан жонли хотира сифатида сайёҳларни ўзига жалб этиб келмоқда ҳамда вилоят туризмни ривожлантиришга катта ҳиссасини кўшмоқда.

Мирзо Улуғбек ҳаётида ҳам Жиззах билан боғлиқ воқеалар анча бўлган. Самарқанд тахтига ўтиргач, 1425 йил жата ва мўғуллар юртига қарши жангга отланиб, жангни ғалаба билан яқунлаб, шу йил июнь ойининг иккинчи ярмида Жиззахда тўхтади. Подшоҳнинг зафарли шарафига байрам ва сайил ташкил қилинади. Турли беллашувлар уюштирилган манзил Сайилжойи аталиб, бугун Жиззах шаҳрида шу номдаги маҳалла ҳам мавжуд [4. 146 б.].

Вилоят тарихида темурийлардан З.М.Бобур билан боғлиқ воқеалар ҳам анчагина бўлиб, отаси Умаршайх вафотидан сўнг Андижон тахтига ўтирган 12 ёшли Мирзо Бобурнинг ўспиринлик йиллари ҳам Самарқанд тахти илинжида не бир долғали, чигал воқеаларда кечди. Бир неча бор Андижондан Самарқандга, Самарқанддан Андижонга отланганида Зомин, Пишағор, Жиззах, Сангзор, Шероз каби шаҳару қишлоқларда, кўпинча Бахмал тумани ва Шароф Рашидов туманининг тоғли худудлари ҳисобланган Ёр яйлоқ туманию кўрғонларида бўлди. Самарқандни Шайбонийга қолдириб, мағлубият алаmidан бош олиб чиққанида Жиззахда роҳат топганлигини “Бобурнома”да ички қониқиш билан шундай хотирлайди: *“Семиз этлар ва майда этмаклар арзон, чучук қовунлар ва яхши узумлар фаровон”* деб таъкидлаб ўтганлар. АмирТемур ва Темурийлар даврида Жиззах яна ҳам ободонлашиб, савдо-сотиқ ва стратегик аҳамият касб эта бошлаган [4. 154 б.].

**Чор Россияси даври.** 1866 йил Жиззах тарихида жуда оғир йил бўлди. Тошкентни босиб олган рус армияси Бухоро хонлигига ва биринчи навбатда катта стратегик аҳамиятга эга бўлган Жиззахга қаратди. 12-19 январь

кунлари Жиззах томон юриш бошлади. 8 майда генерал Рамановский бошлик рус қўшинлари Эржарни босиб олди. 7 июнь куни бўлиб ўтган оғир жангда жиззахликлар ғалаба қозониб, рус қўшинларини чекинишга мажбур қилади. Шундан сўнг рус армияси бутун кучни тўплаб Жиззахни забт этишга қаратиш мақсадида аввал Хўжанд ва Ўратепани босиб олади ва октябрь бошидан Зомин ва Эржар орқали Жиззахга икки томонлама хужумни бошлайди. Жиззах қалъаси 9 палахсали девор билан ўралган ва ўн минг кишидан ортиқ ўз химоячиси бор эди. Ниҳоят 12-18 октябрь кунлари Жиззах учун жуда шиддатли жанглар бўлиб ўтади. Душманнинг ҳарбий устунлиги туфайли жиззахликлар 18 октябрда таслим бўладилар. Жиззах қўзғолони Ватанимиз мустақиллиги йўлидаги кураш тарихида алоҳида ўрин тутди.

Жиззахни Чор Россияси босиб олинishi кўплаб туристик объектларга (тарихий обидалар, масжид ва мадрасалар) талофат етказди. Шаҳар ва унинг атрофларидаги тарихий обида ва зиёратгоҳ жойлар вайроналарга айланди. Октябрь тўнтаришигача туристик тарихий объектлар хароба ҳолига келди, қадимий обида ва зиёратгоҳ жойлар эскилик сарқити сифатида қаровсиз ташлаб қўйилди.

**Советлар даври.** Советлар даврида Жиззах вилояти учун ўзига хос тараққиёт даври, янги шаҳарлар, туманлар барпо бўлиши, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, улкан суғориш тизимларини вужудга келтириш, замонавий саноат объектларини яратиш, халқ таълими ва маданиятнинг юксалиш даври бўлди. Бу улкан ишларда вилоятдан етишиб чиққан кўплаб истеъдодли мутахассисларнинг хизмати катта бўлиб, шоир Ҳ.Олимжон, адиб С.Азимов, Ўзбекистон халқ атисти Х.Азимова, 1941-45 йиллар уруш қаҳрамонлари Ж.Тўраев, Е.И.Иванин, Г.М.Губарьков, Меҳнат қаҳрамони Б.Пирматов ва бошқалар етишиб чиққан. Хусусан, Жиззахда туғилиб, йирик давлат арбоби сифатида танилган Шароф Рашидовнинг самарали хизматлари беқиёс каттадир. Бундан ташқари, сайёҳларни овқатлантиришни ва дам олишини яхшилаш мақсадида ўнлаб кишига мўлжалланган ресторан,

маданий ҳордиқ чиқариши учун кинотеатр, соғломлаштириш масканлари ва боғлар қуриб ишга туширилди. Бу даврда вилоят туризмнинг моддий техника базаси кенгайди. Аммо туристик фаолиятнинг барча жабҳалари марказ томонидан белгиланиб берилган дастурлар асосида амалга оширилар эди.

**Мустақиллик йиллари даври.** Мустақиллик йиллари Жиззах вилояти ҳаётида янгича ривожланиш, қўшни ва хорижий давлатлар билан бевосита иқтисодий-савдо ва маданий алоқаларнинг кучайишига кенг имкониятлар яратди. Вилоятда амалга оширилаётган ислоҳатлар ўзининг дастлабки самарасини бермоқда. Иқтисодий-ижтимоий ҳаётида хорижий фирма ва корхоналар билан тенг ҳуқуқли алоқалар таборо кенгаймоқда. Бунда, айниқса, вилоятнинг қулай табиий шароити, катта меҳнат ресурслари, халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришнинг мавжудлиги, ривожланган коммуникацияга эга эканлиги, савдо-молиявий тизимнинг шаклланганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Республикамиз мустақилликка эришиши натижасида миллий, маънавий ўзлигини англашга, йўқолиб бораётган урф-одатларимизга эътиборни кучайтириш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди. Жумладан, қишлоқлардаги кўпқари, кураш ва бошқа ўйинлари, наврўз байрамлари, қурбон ҳаёитлари, хотира кунларини ўтказиш, шаҳар ва қишлоқларда миллий ҳунармандчиликка эътиборнинг кучайиши, бевосита этнографик туризмни ташкил этиш ва ривожлантиришга хизмат қилади. Мустақилликдан сўнг яъни туризмнинг ривожланишида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди, туризм соҳасида собиқ иттифоқ даврида амал қилиб келинган қонунлар ўз кучини йўқотди ва бунинг ўрнига жаҳон андозаларига мос ҳолда замонавий туризмнинг пойдеворини яратишга асос солинди.

Юртимизда 1992 йилда “Ўзбектуризм” миллий компанияси ташкил этилди ҳамда вилоятларда унинг филиаллари очилди. Жиззах вилоятида ҳам “Ўзбектуризм” миллий компанияси вилоят минтақавий бўлими 2017 йил

ташқил этилган бўлиб (вилоят туризм ва спорт бошқармаси 2021 йил ташқил топган), ўтган йиллар давомида туризм соҳасида кўпгина амалий ишларнинг бажарилиши туфайли минтақа туризм макроиқтисодиётнинг энг асосий соҳаси сифатида тез ўсиб бормоқда. Чунки жаҳон сайёҳларининг бир умрлик орзуси бўлган қадимий шаҳарларни, муқаддас кадамжоларни ва туманлардаги зиёратгоҳ жойларини бориб кўриш имконияти туғилади.

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Жиззах вилоятида бугунги кунда туризмнинг ривожланиши ва ҳар тамонлама гуллаб яшнаши ҳамда ривожланишида Буюк Ипак йўлининг аҳамияти алоҳида эга бўлган. Жиззах шаҳри ва унинг ҳудудларидаги туристик объектлар узоқ тарихий босқичлар давомида шаклланган. Вилоятда туризмнинг шаклланиши, тарихий, маданий ва бошқа объектларининг ривожланишини бир неча даврларга яъни эрамиздан аввалги давр, VII-XII асрлар даври, Амир Темур ва темурийлар салтанати даври, Чор Россияси даври, Советлар даври, Мустақиллик йиллари даврларига бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### Адабиётлар рўйхати

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

2. А. Тошкенбоев., Ў. Носиров Жиззах вилояти. Т., Ўзбекистон. 1996. 5 б.

3. Қ.Ҳакимов Жиззах вилояти топонимлари. Жиззах, 2014 й. 14 б.

4. Носриров Ў. “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йилликка бағишланган” ЖИЗЗАХ Фотоальбом. Ўзбек, рус, инглиз тилларида. “ТАФАККУР” нашриёти. 2010 й. 5 б.

5. Komilova, N. K. (2021). TOURIST DESTINATION AS AN OBJECT OF RESEARCH OF SOCIAL AND ECONOMIC GEOGRAPHY. *Psychology and Education Journal*, 58(1), 2058-2067.

6. Komilova, N. K., Matchanova, A. E., Safarova, N. I., Usmanov, M. R., & Makhmudov, M. M. (2021). Some socio-economic aspects of gastronomic tourism study. *Estudios de economía aplicada*, 39(6), 12.



7. Усманов, М. (2020). Теоретика-методологические вопросы географии экологического туризма. Архив Научных Публикаций JSPI, 1-4.
8. Холиқулов, Ш., & Мавлонова, С. (2020). Ўзбекистонда туристик имкониятлардан фойдаланишнинг географик жихатлари. Архив Научных Публикаций JSPI, 1-7.
9. Komilova, N. Q., Usmanov, M. R., & Karimov, I. E. (2021). "ZOMIN" TURISTIK-REKREATSION ZONASINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI. *Журнал естественных наук*, 3(5), 311-315.